

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожақеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Маҳкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМЙЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМЙЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМЙЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМЙЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҚИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAКAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Дилорам Сангирова,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Гулистон давлат университети
diloramsangirova@gmail.com

ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА

For citation: Diloram Sangirova, SYMBOLS OF MEDIEVAL STATEHOOD IN WORDS AND IMAGES. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.120-129

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072219>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўрта аср давлат рамзлари борасида фикр юритилади. Давлат арбоби ва тарихчи сифатида яшаб ўтган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзидан бой мерос қолдирган. Унинг “Бобурнома” энциклопедик асари жаҳон дурдоналари қаторида ўрин олган. Асар ва унга ишланган минатюраларда сиёсий рамзлар (тож, тахт, туғ, байроқ, ялов) ҳақида қизиқарли геральдик маълумотлар сақланиб келинмоқда. Ўрта аср давлатчилиги рамзларини ифодаловчи маълумотлар манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Давлат рамзларининг аҳамияти ва уларнинг хусусиятлари сўз ва тасвир орқали очиқ берилади.

Калит сўзлар: мусаввир, миниатюра, ҳокимият ва давлат рамзлари тахт, тож, қуш пати, туғ, туғчи, байроқ- ялов

Дилорам Сангирова,
кандидат исторических наук, доцент
Гулистанский государственный университет
diloramsangirova@gmail.com

СИМВОЛЫ СРЕДНЕВЕКОВОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ В СЛОВАХ И ОБРАЗАХ

АННОТАЦИЯ

В статье обсуждаются государственные символы средневековья. Проживая в качестве государственного деятеля и историка, Захириддин Мухаммад Бабур оставил богатое наследство. Его энциклопедическое произведение «Бабур-наме» входит в число мировых шедевров. В произведениях и выполненных им миниатюрах хранятся интересные геральдические сведения о политических символах (короне, престоле, флаге, флаге, лялове). Данные, отражающие символику средневековой государственности, анализируются с точки зрения источниковедения. Значение государственных символов и их особенности раскрываются словами и изображением.

Ключевые слова: художник, миниатюра, власть и государственные символы, трон, корона, перо, туф (бунчук), знамя, флаг.

Diloram Sangirova,
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Gulistan State University
diloramsangirova@gmail.com

SYMBOLS OF MEDIEVAL STATEHOOD IN WORDS AND IMAGES

ABSTRACT

The article discusses state symbols of the Middle Ages. Living as a statesman and historian, Zahiriddin Muhammad Babur left a rich inheritance. His encyclopedic work "Babur-nameh" is among the world's masterpieces. The works and miniatures made by him contain interesting heraldic information about political symbols (crown, throne, flag, flag, lyalov). Data reflecting the symbolism of medieval statehood is analyzed from the point of view of source studies. The meaning of state symbols and their features are revealed by words and image.

Index Terms: artist, miniature, power and state symbols, throne, crown, feather, tug (bunchuk), banner, flag.

1. Долзарблиги:

Амалий манбашунослик – бир турдаги манбаларни ёндош манбалар билан қиёсий ўрганиш вазифасини бажаради. Бир даврнинг ёзма ёдгорлиги ва тасвирий ифодаси ҳисобланган “Бобурнома” асари ва унга ишланган миниатюраларни манба сифатида ўрганиш муҳим. Ҳар икки манба сиёсий рамзлар ва рамзий белгилар ҳақида маълумотлар жамланганлиги билан қимматли саналади. Асар матнига ишланган митти суратлар – (миниатюра) асар мазмунни тўлдириб, визуал жиҳатдан рамзлар борасидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилади.


2. Методлар:

Мақола йўналиши манбашунослик, тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усулларига таянган. Тадқиқот иши метод жиҳатидан: бирламчи тарихий манбаларни топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, ёндош манбалар билан солиштириш, хулоса чиқариш усулларига асосланган.

3. Ўрганилганлик даражаси: Тарих фанининг ёрдамчи фанлар соҳасига доир бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Ўрта асрлар тарихий манбалари ва улардан фойдаланишнинг тартиб қоидалари борасида Б. А. Аҳмедов ва Т. С. Саидкуловлар томонидан манбашунослик фани ўқув қўлланмаси ва дарсликлари нашр этилган [1]. А.Мадраимов, Г.Фузаиловлар тарихнинг ёрдамчи тармоғи сифатида манбашунослик соҳасини ҳамда миниатюраларни тарихий манба сифатида ўрганишнинг аҳамияти ҳақида қимматли маълумотлар берган [2]. М.Исҳоқов ва И. Худайназаровлар тарих илмини амалий жиҳатдан ёрдамчи тарих фанлари билан боғлиқ ҳолда ўрганишнинг аҳамиятига доир фикр-мулоҳазалар билдирган [3]. Муаллифлар томонидан рамзий белгиларни тадқиқ этувчи геральдика фани ўқув қўлланмаси нашрга тайёрлаган [4]. Шунингдек, Қ.Маҳмудов, Ф.Ашрафхўжа, Д.Сангирова ва Л. Қодироваларнинг ўрта аср туркий байроқлари ва давлат рамзлари тўғрисида илмий мақолалари эълон қилинган [5]. Хорижий олимлар соҳага оид бир қанча тадқиқотлар амалга оширган [6]. Юқоридаги тадқиқотлардан фаркли равишда, ушбу мақолада бобурийлар даври давлат рамзларини (сўз ва тасвир) орқали ўрганиш мақсад қилиб олинди.

4. Тадқиқот натижалари:

“Бобурнома” асари ва унга ишланган миниатюраларни давлатчилик тарихи нуктаи назаридан ўрганиш долзарб саналади. Давлат рамзлари тарихини сўз ва тасвир орқали, манбалар асосида ўрганиш давлатчилигимиз тарихининг янги саҳифаларини бойитилишига ёрдам беради. Давлат арбоби ва тарихчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1531) нинг асари бой маълумотга эгалиги жиҳатидан бир неча тилларга таржима қилинган. Асар XV асрнинг охири –XVI асрнинг бошларида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи бўйича қимматли маълумотлар беради. Асарнинг 1589 йили Байрамхоннинг ўғли Абдурахимхон томонидан форс тилига таржима қилинган нусхаси бизгача етиб келган [7]. Мазкур нусхага Акбаршоҳ (1542-1605) замонида рассомлар суратлар чизди. Лондондаги Британия қўлёзмаси (ОК.3714) (Нью-Делидаги Миллий музейда сақланаётган нусхаси) ва Москвада Шарқ халқлари маданияти музейидаги 69 та миниатюралар шу давр маҳсулидир. 1960 йил санъатшунос профессор С. Тюляев томондан 69 та миниатюра Москвада нашр этилди [8]. Ҳар икки меросий ёдгорлик миниатюра санъатининг бебаҳо хазинаси бўлиб сақланиб келинмоқда.




Бобурийлар даври миниатюраси Темурийлар, Сафавийлар, Ўрта Осиё ва маҳаллий ҳинд рассомчилик мактаблари ижодий синтези сифатида пайдо бўлди. Бобурнинг ўғли Ҳумоюн (1508-1556) ўз саройига Мир Али Табризий ва Хожа Абдусамад Шерозийларни олиб келиб бобурийлар миниатюра санъатига асос солдилар. Акбаршоҳ империя тахтини эгаллагач, рассомлар мактаби янада тараққий қилди. Акбаршоҳнинг санъатга бўлган иштиёқи ва ижодкорларга ҳомийлиги туфайли унинг саройида турли миллатга мансуб 145 мусаввир хизмат қилган [9]. Шулар қаторида Жагоннот, Татра Чанд ва Санвал Даст мусаввирлар номи тилга олинади. Улар Мир Саид Али ва Абусамадлардан таълим олиб, қўлёзмаларга расм чизганлар. Сулоланинг кейинги вакили Жаҳонгир (1569-1627) коллекциячи сифатида асарларни сотиб олиш учун Эрон ва Ўрта Осиёга ўз одамларини юбориб турган. Унинг даврида ҳинд мусаввирлари Маноҳар, Бишндас, Хунхор, Анупчатар, Читарман, Балчанд, Бичитр билан бирга самарқандлик Муҳаммад Нодир ва Муҳаммад Мурод Самарқандийлар ҳам саройда ижод қилган. Самарқандлик рассомларнинг суратлари ҳинд диёрида яратилса-да, улар асарларида маҳаллий руҳ сақланиб қолганлигини сезиш мумкин.



Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (тахтда, жанг майдонида, овда, зиёфатда, кишилар суҳбатида ўтирган) турли ҳолатлари акс этган 46 та миниатюра мавжуд. Ушбу миниатюра тасвирларга нима сабабдан ишончли манба сифатида қараш лозим. Саволга жавоб бериш учун асарни нашрга тайёрлаган муаллифларнинг фирқларини келтириш жоиз. Биринчидан, Бобур вафотидан 50 йил ўтгандан кейин миниатюралар яратилган. Бобур шохни кўрган, билган сафдошлари ва таниш кишилари Бобур шахсиятининг жонли гувоҳи сифатида мусаввирлар учун ишончли маслаҳатчи бўлганлар, иккинчидан, сулола вакиллари мусаввирлар ва хаттотларга ҳомийлик қилиб санъатни юксак даражада қадрлаган, учинчидан, мусаввирлик истеъдодига эга бўлган Акбар империянинг асосчиси сифатида ўзининг сеvimли бобоси портретига бефарқ бўлмаган, албатта.

Москвадаги Шарқ халқлари маданияти музейи коллекциясида Бобурнинг 30 та портрети сақланиб қолган, мазкур альбомдаги портретлар Лондондаги портретларга жуда ўхшаш бўлган [10]. Саройда хизмат қилган мусаввирлар ижодида инсон характери, унинг ички руҳий дунёсини

ифодаловчи – портрет жанрида етакчи ўрин эгаллаган. Тарихий шахсларнинг шакл-шамойили



ва уларнинг бошқарув фаолияти билан боғлиқ маълумотларни тасвир орқали етказиш рассомлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланган. Кўп ҳолларда рассомлар ижодида ҳукмдор тасвири билан бирга сиёсий рамзларнинг акс этганлиги кўзга ташланади [11].

Сиёсий давлат рамзлари муайян бир давлатнинг суверенитетини ифодалайдиган, тарихан таркиб топган энг муҳим белги. Рамзлар давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий моҳиятини белгиси сифатида аҳамият касб этган.

Тахт, тож, туғ, байроқ, ялов каби рамзлар ўрта аср сулола вакиллариининг ҳукмронлик ваколатини англатиб турган. Тахтни қўлга киритилиши сулола бошқарувини эгалланишини таъминлаган. Тахт махсус жойга яъни саройнинг марказий қисмига, жанговор ҳолатларда боргоҳнинг марказига ўрнатилган. Қимматбаҳо маъданлар билан зийнатланган ўриндик атрофига гиламлар, палослар


ва кўрпачалар ёзилган. Тахтнинг ўнг томонида саййидлар, қозилар, қариндошлар ва олимлар, руҳоний, зодагонлар жойлашган. Тахтнинг чап томонида амирул умаро, беклар, амирлар ва нўёнлар ўрин олиб, тахтнинг рўпарасида девонбеги ва вазирлар, ундан кейинги қаторда вилоят ҳокимлари жой эгаллаган. Тахтнинг рўпарасида девонбеги ва вазирлар ундан кейинги қаторда вилоят ҳокимлари жой эгаллаган. Вақт ўтиши билан эгалланган ўринлар жойи ўзгариб турган [12].

“Бобурнома”да тахт хусусида бир қанча маълумотлар келтирилган. Асарга ишланган миниатюрада ўн тўрт ёшида Фарғона тахтини эгаллаган Бобурнинг тахт устида ўтирган сиймоси акс этган. Тахт устида ўтирган тўрт хил ҳолат акс этганлиги учун уларни бири-бири билан солиштириш имконияти мавжуд. Биринчиси Фарғона тахтига чиқиши, иккинчиси Андижонни қўлдан кетгани ҳақидаги хабарни эшитиши, учинчиси Заҳарланган Бобурнинг беҳуд аҳволи, тўртинчиси Бенгал элчисининг Бобур қабулида бўлиши ҳолатларидир. Бир ҳукмдорнинг тўрт тахт устида ўтиргани акс эттирилган суратларда тахтнинг кўриниши, ҳажми ва унга берилган ишловлари бири-биридан фарқланиб турганлигини кўрсатади. “Бобурнома” асарида Самарқанд




тахти ҳақида: “Темурбек солган олий иморатлардан бири Кўксаройдирки, у Самарқанд аркида жойлашган. Ажиб хосиятли иморатдир. Темурбек авлодидан ҳар ким бош кўтариб тахтга ўтирса ҳам бунда ўтиради, ҳар ким тахт орзуси билан бош қўйса ҳам бунда қўяди” дейилган [13]. Шунингдек, асарда Бангола тахти борасида қуйидаги маълумот қайд этилган: “...салтанат камдан кам ҳолларда мерос бўлиб ўтарди. Подшоҳининг муайян бир тахти бўлади. Ҳар бир амир, вазир ва мансаб эгалари учун ҳам аниқ ер-жой белгилаб қўйилган. Бангол халқи учун ўша тахт ва жойлар мўътабар ҳисобланади. Ҳар бир ерга бўйсунувчи, итоат этадиган аскар ва хизматкорлар ҳаммаси белгилаб қўйилган” [14].






деб ёзади [15]. Маълумотларни миниатюралар билан солиштирилганида, ҳукмдор меҳмондорчилик ва норасмий қабулларда тахт устида эмас балки, тўшак устида ўтирганлиги аён бўлади. Жамоавий суратларда ҳукмдори бошқалардан ажратиб турадиган белги унинг ўриндиғи ортига қўйилган ёстиғи ҳисобланади. Умуман олганда, кўрпа ва ёстиқ сингари ашёвий буюмлар ҳокимият рамзий белгиси бўлиб хизмат қилган.



Тож атамаси тахт атамаси билан биргаликда қўлланилган бўлиб, тож қимматбаҳо тошлар қадалган ҳукмдор бош кийими сифатида қадрланган. Тож ҳукмдори жамоадан ҳокимият эгаси сифатида ажратиб турган. Ҳукмдор тожи қимматбаҳо тош ва куш пати сингари ашёлар билан безатилган салла бўлган. Илк ўрта асрлар туркийлар ҳаётида куш тасвири Умай она тимсолини акс эттирганлиги манбалардан маълум. Туркийларнинг кушларга илоҳий мавжудот сифатида қараши жон ва руҳларнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурларининг ўрта асрлар сўнгги босқичларигача эъзозланиб келганлигини кўриш мумкин. Салласи устига ўрнатилган пат тасвири “Бобурнинг тож кийиб Фарғона тахтига чиқиши”, “Боқи Чағониённинг Бобур ҳузурига келиши”, “Ҳисор бекларининг Бобурдан паноҳ истаб келиши”, “Андижоннинг қўлдан кетганилиги ҳақидаги хабар”, Бобурнинг Андижон атрофидаги жанги”, “Бобурнинг Султон Саидхон ва Бобохон Султон билан учрашуви” “Шеракнинг Бобурга таслим бўлиши”, “Кобул атрофидаги Хожа Сеёрон чашмаси” суратларида чизилган. Бобурнинг дубулғаси устида ўрнатилган қора рангли пат ва бошқа ҳаракатлар унинг жанговор ҳолати ҳақида маълум қилади. Салла устига ўрнатилган пат (куш пати) гўёки, илоҳий алоқа воситаси сифатида ҳукмдори илоҳий қудрат эгаси – Яратган билан боғлаб турган деган


қарашларни англлатган. Демак, тож, салла ва унга қадалган буюмлар ҳукмдорлик белгиси сифатида вазифа ўташи билан бирга, асрий анъаналарни замонлар оша олиб ўтган восита бўлиб хизмат қилиши билан қимматли ҳисобланади.

Ўрта аср ҳокимият рамзларидан яна бири туғ (ёғоч дастага ўрнатилган қўтос, ҳўкиз ёки от ёли ёки думидан ишланган буюм) саналган. Шарқ мамлакатларида туғга ҳукмдорлик, беклик белгиси сифатида қаралиб келинган. Баъзи атамашунослар туғ атамасининг илдизини туғиғ “тикик, тикилган” деб талқин қилади. Туркий тилларда “boңcuq” атамаси ҳам мавжуд бўлиб, хон чодирида турадиган, ҳокимиятни ифодалайдиган рамзни англлатган. Туғларга қўшимча равишда турли ҳажмдаги мато парчалари ва тасмалар илинган. Туркий халқлар ўзларини ўзга олам – *осмон* билан боғланишни шу тасмалар орқали амалга оширилади деб фараз қилганлар [16]. Этник жиҳатдан ҳар бир уруғ ўз туғига эга бўлган. Туғларни



уруғнинг руҳи, янада аниқроғи руҳнинг макони деб ҳисоблашган ва уни муқаддас тимсол сифатида эъзозланган. Оқ рангли туғларнинг *тож туғи* порлаётган қуёш тимсолини ифодалаган. “Тўққиз туғли хон” ҳақида гап кетганда энг қудратли хонлар тушуниланган [17].

“Бобурнома” асарида Бобурга ёрдам бериш мақсадида хон тоғаси мўғуллар одати бўйича лашкар кўриги ташкил қилганлиги борасида маълумот келтирилган. Унда: “Мўғул дастури била туғ боғладилар. Хон оттин тушти. Тўққуз туғни хоннинг олдида турғузуб, бир мўғул бир ўйнинг ўрта илигига бир узун окбўзни боғлаб, илигига тутубдур. Яна уч парча узун бўзни уч туғнинг тутасидан қуйроқ боғлаб, туғнинг йиғочининг остидан олиб келтуриб, бир бўзнинг учини хон босиб турди. Яна бир тукқа боғлагон бўзнинг учини мен босиб турдим. Яна бир бўзнинг учини Султон Муҳаммад Хоника. Ул мўғул бўз боғлагон ўйнинг ўрта илигини илигига олиб, мўғулча нималар деб тукқа бокиб ишорат қиладур, хон ва тамом турғонлар туғ сорига қимизлар сочадурлар. Нафирларни ва нақораларни бир йўли чаладурлар. Бўлғон ясолда турғон черик эли бир йўли сурон соладурлар. Уч навбат ушмундоқ қиладурлар. Андин сўнг отланиб, сурон солиб ушмунча черик даврин чопадурлар” – дейилган [18]. Мўғул ва турклар анъаналарига кўра, туғ муқаддас ҳисобланган, унинг учига табиий бирликлар: ой, қуёш ва юлдуз тасвирли қаттиқ жисм мустаҳкамланган. Ушбу табиий шакллар туғнинг яхлит таркибий қисмининг бир бўлаги сифатида вазифа ўтаган. Кўп ҳолларда Шарқ давлатларида ой шаклдаги туғ учи моҳча ёки маҳча деб юритилган.



Ҳукмдор томонидан садоқат билан хизмат кўрсатган кишиларга махсус саруполар қаторида “туғ совға қилинган” [19]. Туғ ва туғли бош кийим бошқарув тизимида султонлик ёки ҳокимлик ваколатини намоён қилиб турган [20]. Туғларнинг оқ, қизил, қора рангда бўлиши туғ эгасининг жамиятдаги мавқеини ва амалдорлик даражасини кўрсатиб берган.

Байроқ–ёғоч ёки металл дастага, сим ёки чилвирга мустаҳкамланган мато. У давлат, ташкилот, уюшма, ҳарбий қисмларга қарашлиликини ифодалайди. Бир неча рангдан ташкил топган давлатнинг кучи ва қудрати тимсолидир [22]. Турк - мўғул қўшинларини ғоявий жиҳатдан бирлаштириб турган байроқ ҳарбий ҳолатларда жанг ҳаракатларини бошқариб турганлиги билан аҳамиятли [21].


Турли даврларда байроқ туғ, алам, ялов каби номлар аталиб келган ва турли кўринишларга эга бўлган. Бугунги кунда кенг қўлланилаётган “байроқ” сўзининг қадимги шакли – batraq/batruq, “ботмоқ, ботирмоқ” ўзагидан келиб чиққан. Баъзи ҳолларда маънодош ўрнида – санжоқ (“санчмоқ”) сўзи қўлланилган [23].

Байроқлар энг кўп қўлланилган соҳа - ҳарбий соҳа бўлган. “Бобурнома” миниатюраларида ҳарбий байроқлар тасвирлари кўплаб учрайди. Байроқлар юклатилган вазифасига кўра, икки хил кўринишда бўлган: ҳукмдор байроғи ва жанговор байроқ. Махсус рангли байроқлар жанг жараёнларини ҳаракатга келтириб, зарурий ҳолатларда жанг йўналишини ўзгартириб турган. Байроқ ёки санжоқ жангда ғалаба қозонилганидан сўнг санчиб ўрнатилган. Манба матнида Ҳайдар Қосим бекнинг улуғ ўғли Худойбердиннинг байроқдорлик амалида фаолият юритганлиги қайд этилган [24]. Ҳар икки манба сўз ва тасвир орқали давлат рамзларини ифодалаб, уларнинг бошқарув тизимидаги аҳамиятини кўрсатади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғозий фармонида “Бу саодат ва давлатнинг содир ва зоҳир бўлиши шундай юзага келди: ислом таянчи бўлган аскарларимиз қиличларининг шуъласи фатҳ ва зафар нурлари билан ҳинд мамлакатларини мунаввар қилганидан кейин, илгариги “Фатҳнома”ларда баён қилинганидек, муваффақият қўллари ғалаба нишонли байроқларимизни Деҳли, Огра, Жўнпур, Харид, Баҳор ва бошқа ўлкаларда кўтарилиди”- деган маълумот келтирилган [25]. Фатҳ сурасидаги оят: *لقد منحناك نصرا واضحا *سامحك الله على خطايك السابقة والمستقبلية* алифлари сингари юқорига тик кўтарилган ва ғалабага ишонч туйғусни ифодалаб турган. Қизиқарли томони шундаки, унинг байроқлари ҳамма ёққа ёйилган бўлиб, байроқ кўтарган дасталар худди “Инна фатаҳна “ (Биз фатҳ қилдик) сураси алифларига” ўхшатирилган [26].

Ноғора – қўшинни овози билан жангга чорлаб турган чолғу асбоби. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Мен байроқ кўтариб ноғора садолари остида отланганимда, ҳамма тарафдан хужум бошласинлар. Уруш қизигунча ноғора ва байроқни туттириб қўйиб, узим Устод Алининг тўпидан тош отишини кўриш учун бордим” –деб ёзади [27]. Миниатюраларда берилган тасвирда ноғораларнинг бир неча хили кўзга ташланади. Ғалаба шарафига уюштирилган зиёратларда қўш ноғоралар чалинган. Ноғоралар кўринишидан катъий назар давлатчилик рамзий белгиси сифатида муҳим ўрин тутган.

Яна бир рамзий белги ялов бўлиб, кўриниши жиҳатидан байроққа ўхшаш бўлган. Ялов



атамаси эса “yalmaq”, яъни ҳилпирамоқ сўзидан пайдо бўлган. У жанговор байроқ сингари бирор нарсага тикилиб қўйилмаган. Уни қўлда тутувчи ёғочининг сопи байроқникидан анча калта бўлиб, ёғочнинг матога ўралган қисми юқорисида шокиласи осилиб турган. Аксар ҳолларда ялов ҳукмдор ёнида олиб юрилган. У одатда жангларда кўтариб юрилмаган, узун найзага илинмаган, калта таёққа мустаҳкамланиб, ўтовлар ва бинолар тепасига осиб қўйилган. Яловдор сарой мансаби хизматчиси бўлиб, сиёсий тадбирларда ва бошқа йиғинларда хон ёки султонга яқин масофада туриб хизмат қилган. Демак, ялов ва яловдор ҳукмдорнинг барча тадбирларида жумладан: қабул маросимида, меҳмоннавозликда, ов ва жанг ҳаракатларида марказий қисмида турган.


4.Хулосалар:

Ўзбек халқининг кўп асрлик бой меросини тарихий жиҳатдан ўрганиш муҳим. Бир даврдаги икки манбани қиёслаб ўрганиш, уларни бир мавзу юзасидан таҳлил қилиш орқали олинган маълумотлар давлатчилик тарихимизнинг янги саҳифаларини очиб берилишига хизмат қилади.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарида давлатчилик рамзларига доир кўплаб маълумотлар келтириб ўтилган. “Бобурнома” асарига ишланган миниатюралар ёзма манба маълумотларини тўлдириб, тасдиқлаб беради. Сўз ва тасвир орқали рамзлар тарихини ўрганиш, ўрта аср давлатчилиги сиёсий бошқармаси ва уларнинг ваколатлари ҳақидаги тушунча ва билимларнинг эггаланишини таъминлайди.

Бобурийлар саройида хизмат қилган ҳинд ва ўрта осийлик рассомлар томонидан ишланган суратлар ўз навбатида тахт, тож, туғ, байроқ, ноғора, яловлар тўғрисида тўлиқ визуал маълумотлар беради.

Бир неча юз йиллар давом этиб келаётган ўрта аср бошқарувида, амалдорлик фаолияти давлат рамзлари билан боғлиқ бўлган мансаб ишлари мавжуд бўлган. Тўқсабо (туғ тутувчи маънони беради), байроқдор (байроқ тутувчи), аламдор (алам кўтариб юрувчи) мансаблари шулар жумласига киради. Умуман олганда, ўрта аср тарихий тараққиёт босқичларида бир неча сулолалар алмашунуви юз берди. Жамоани бирлаштиришга хизмат қилувчи давлат рамзлари моҳиятан ўз вазифасини узоқ муддат сақлаб келди, замонлар ўтиши билан улар шаклан ўзгариб борди.



Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аҳмедов Б. А. Ўзбекистон тарихи манбалари. –Тошкент: Ўқитувчи. 2001.–Б- 13-20; Т. С. Саидкулов. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. –Тошкент: Ўқитувчи. 1993. –Б. 3-9; (B. A. Akhmedov. Sources of the history of Uzbekistan. - Tashkent: Teacher. 2001.-P- 13-20; T. S. Saidkulov. Clips from the historiography of the history of the peoples of Central Asia. - Tashkent: Teacher. 1993. -P. 3-9).
2. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Тошкент: Фан, 2007. –Б. 8-10. (A.Madraimov, G.Fuzailova. Source studies. –Tashkent: Science, 2007. -P. 3-9).
3. Is’hoqov M., Xudaynazarov I. Yordamchi tarixiy fanlar. – Toshkent: Noshir, 2019. – 288 b. (Is’hakov M., Khudaynazarov I. Auxiliary historical sciences. – Tashkent: Publisher, 2019. - 288 p.)
4. Сангирова Д., Қодирова Л. Геральдика ўқув қўлланма. – Гулистон, 2019. – 112 б. (Sangirova D., Kadirova L. Heraldic textbook. - Gulistan, 2019. - Art. 112)
5. Маҳмудов Қ. Туркий байроқлар рамзи. //Фан ва турмуш, 1991 йил, 12 сон, 20-21 бетлар; Ф.Ашрафхўжа. Амир Темур давлатининг рамзлари. //Тафаккур, 1996 йил, 3 сон, 42-47 бетлар; Д.Сангирова, Л. Қодирова. Ўзбек давлатчилигида ҳокимият рамзлари. //Ўтмишга назар, 2021. – №3/4. – Б.81-90. (K. Makhmudov. Symbol of Turkish flags. //Science and Life, 1991, 12 pp. 20-21; Symbols of the state of F. Ashrafhuzha. Amir Temur. //Tafakkur, 1996, 3 pp. 42-47; D. Sangirova, L. Kadirova. Symbols of the power of Uzbek statehood. //A look at the past, 2021. – №3/4. - B.81-90.)
6. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – Алматы: Жалын, 1993. –192 с.; А.Ш. Бимендиев. Геральдика казахских чингизидов как источник истолкования символов власти в средневековые / Геральдика-вспомогательная историческая дисциплина. Конференция в Эрмитаже. – Санкт-Петербург, 2017.– С.24-36.; С.В.Дмитриев. Знамя в военно-политической культуре тюрко-монгольских кочевников // Журнал социологии и социальной антропологии. 2001. Том IV. № 4. –С. 89-102.; Г.Лассвелл. Язык власти. Политическая лингвистика, 2006. –№ 20. – С. 264 – 280.(

- V.V. Bartold Twelve lectures on the history of the Turkish peoples of Central Asia. - Almati: Jalin, 1993. -192 p.; A.S. Bimendiev. Heraldry of Kazakh Genghisids as a source of interpretation of the symbol of vlas in medieval /Heraldry-all discipline. Conference in the Hermitage. - Saint Petersburg, 2017. – S.24-36.; S.V.Dmitriev. Znamya in the military-political culture of Turko-Mongol nomads//Journal sociology and social anthropology. 2001. Volume IV. No. 4. -S. 89-102.; G. Lasswell. Political linguistics, 2006. – No. 20. – S. 264-280.)
7. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. /Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. –Т.: Юлдузча. 1989. – 367.(Babur Zahiriddin Muhammad. Babur-name. /Compiler for the publication P. Shamsiev. -T.: Star. 1989. – 367.)
 8. Миниатюры, рукописи «Бабур-наме» (автор предисловия и составитель С.Тюляев).–М.: Государственное издательство изобразительного искусства, 1960; “Бобурнома” миниатюралар /А.Қаюмов, Ҳ.Султонов, Б.Алимов ва бошқ. – Т.:, О’қитувчи НМИУ, 2008. – Б.11 (Miniatures, manuscript "Babur-name" (author of the preface and co-author S. Tyulyaev). – М.: State invention of fine art, 1960; Miniatures of "Bobur-name" /А. Kayumov, H. Sultonov, B. Allimov, etc. - Т.:, Teacher of NMIU, 2008. –P.11)
 9. “Бобурнома” миниатюралар, кўрсатилган асар. –Б.12 (Miniatures of "Bobur-nama", the specified work. –P.12)
 10. “Бобурнома” миниатюралар, кўрсатилган асар. –Б.17 (Miniatures of "Bobur-nama", the specified work. –P.17)
 11. “Бобурнома” миниатюралар, кўрсатилган асар. –Б.13 (Miniatures of "Bobur-nama", the specified work. –P.13)
 12. Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. Т. V. М., Л., 1948. – С.137-153 (Semenov A. A. Bukhara treatise on chinaks and occupations and on the obligated bearers of their medieval Bukhara//Soviet oriental studies. T. V.– М., 1948. – P.137-153)
 13. “Бобурнома” миниатюралар, кўрсатилган асар. –Б.50(Miniatures of "Bobur-nama", the specified work. –P.13)
 14. Бобур Заҳириддин Муҳаммад, кўрсатилган асар, –Б.203 (Babur Zahiriddin Muhammad, said work, –P.203)
 15. “Бобурнома” миниатюралар, кўрсатилган асар. –Б.47 (Miniatures of "Bobur-nama", the specified work. –P.47)
 16. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. 275 б.
 17. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – Алмати: Жалын, 1993. –С.90
 18. Бобур Заҳириддин Муҳаммад, кўрсатилган асар,– Б. 90 (Babur Zahiriddin Muhammad, said work, –P.203)
 19. Бобур Заҳириддин Муҳаммад, кўрсатилган асар,– Б. 175 (Babur Zahiriddin Muhammad, said work, –P.175)
 20. Бимендиев А.Ш. Геральдика казахских чингизидов как источник истолкования символов власти в средневековые / Геральдика-вспомогательная историческая дисциплина. Конференция в Эрмитаже. – Санкт-Петербург, 2017.– С.24-36.(A.S. Bimendiev. Heraldry of Kazakh Genghisids as a source of interpretation of symbols of power in medieval/Heraldry-auxiliary historical discipline. Conference in the Hermitage. - St. Petersburg, 2017. – P.24-36.)
 21. Дмитриев С.В. Знамя в военно-политической культуре тюрко-монгольских кочевников // Журнал социологии и социальной антропологии. 2001.Том IV. № 4. –С. 89. (S.V.Dmitriev. Banner in the military-political culture of Turkic-Mongolian nomads//Journal of Sociology and Social Anthropology. 2001. Volume IV. No. 4. S.V.Dmitriev. Banner in the military-political culture of Turkic-Mongolian nomads//Journal of Sociology and Social Anthropology. 2001. Volume IV. No. 4. –P. 89.)

22. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 1-jild. – Toshkent: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2007. - B.143 (Dictionary of the Uzbek language. Folder 1. - Tashkent: State Scientific Publishing House "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2007. –P.143)
23. Mahmut Enes Soysal. Tarihsel süreçte bayrak ve sancaklarımız // A. Ü. Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi [TAED] 42. – Erzurum, 2010. – S.209-239 (Mahmut Enes Soysal. In the historical process, our flags and banners//A. Ü. Turkiyat Research Institute Journal [TAED] 42. - Erzurum, 2010. –P.209-239)
24. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. кўрсатилган асар,— Б. 82 (Babur Zahiriddin Muhammad. specified product, –P. 82)
25. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. кўрсатилган асар,— Б. 361 (Babur Zahiriddin Muhammad. specified product, –P. 361)
26. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. кўрсатилган асар,— Б. 237 (Babur Zahiriddin Muhammad. specified product, –237. 82)
27. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. кўрсатилган асар,— Б. 247 (Babur Zahiriddin Muhammad. specified product, –P. 247)

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000